

РАНГТАСВИР ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Б.Қурбонова, катта ўқитувчи,

Н.Ахмедова, ўқитувчи,

И.Юлдашев, катта ўқитувчи,

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7327456>

Аннотация: Мазкур мақола тасвирий санъат ва бадиий ижод орқали ёшлар тарбияси, соғлом авлодни тарбиялаш, унинг эстетик тарбиясини ривожлантириш орқали баркамол шахсларни вояга каби масалаларни тарғиб қилади.

Калит сўзлар: эстетик тарбия, баркамол авлод, ахлоқий фазилат, бадиий ижод, рангтасвир техникаси, рефлекс, перспектива, фазовий тасаввур, блик.

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНИКИ РИСОВАНИЯ

Аннотация: В данной статье продвигаются такие вопросы, как воспитание молодежи через изобразительное искусство и художественное творчество, воспитание здорового поколения, развитие его эстетического воспитания и развитие зрелой личности.

Ключевые слова: эстетическое воспитание, зрелое поколение, нравственная добродетель, художественное творчество, техника живописи, рефлекс, перспектива, пространственное воображение, вспышка.

METHODS FOR USING THE PAINTING TECHNIQUE

Annotation: This article promotes issues such as education of young people through visual art and artistic creativity, education of a healthy generation, development of its aesthetic education and the development of mature individuals.

Key words: aesthetic education, mature generation, moral virtue, artistic creation, painting technique, reflex, perspective, spatial imagination, flash.

КИРИШ

Жамиятимиз баркамол инсон шаклланишига нечоғлик ижобий таъсир қилса, баркамол инсон ҳам жамият тараққиётига шунчалик самарали таъсир кўрсатади. Жамиятдаги эркин муҳит, инсон талант ва қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари, унинг конституцион, қонуний ҳуқуқларини амалда қафолатлаш баркамол инсонни шакллантиришнинг энг муҳим ва зарурий омилдир. Бундай омиллар бўлмаган жойда маънавий баркамол инсон етишиб чиқиши мумкин эмас. Шу ўринда биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек – “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалага ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотираларимиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”[1].

Шу боис республикамызда маънан баркамол инсонни тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг устивор йўналиши сифатида белгиланган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ватанимизда ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларнинг долзарблигидан келиб чиқиб соғлом авлодни тарбиялаш, унинг эстетик тарбиясини ривожлантириш орқали баркамол шахсларни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. Чунки, ҳозирги кунда республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдири ёшларимизнинг маънавий қиёфаси ва шахсий баркамоллигига боғлиқдир. Комил инсонни тарбиялаш вазифалари долзарблигига Президентимиз ҳам диққат қаратиб, шундай деганлар: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собит қадам, ғайрат шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чинакам меҳнатсеварлигига боғлиқ эканини англаб етсин[2] ».

Шундай экан, мустақил Ўзбекистон шароитида ёш авлодни юксак маънавий ахлоқий фазилатлар руҳида, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашлар асосида эстетик жихатдан баркамол этиб тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ҳар хил бўёқлар билан (акварель, гуашь мойбўёқ) натюрмортларни тасвирлаш учун юқорида қайд этилган тажрибаларни ўтказиб кўриш, бўёқларнинг технологияси хусусиятларини яхши билиш, уларни ишлатиш усуллариини ўзлаштириш учун кўплаб машқлар бажариш тавсия этилади.

Тасвирий санъатда акварель бўёқлар билан ишлаш салмоқли ўринни эгаллайди. Бунга сабаб мактабда расм ишлашни ўрганишда акварелнинг етакчи роль ўйнашидир. Шунинг учун уни ўқитаётган ўқитувчининг ўзи ҳам шу соҳани пухта эгаллаган бўлиши зарур.

Тасвир билан чизилаётган нарса, ҳолат ўртасида тўла ўхшашлик бўлиши учун уларнинг ранг нисбатларида ҳам ўхшашлик бўлиши шарт. Тасвирий санъатда акварель бўёқлар билан ишлаш салмоқли ўринни эгаллайди. Акварель рангтасвирнинг энг нозик турларидан бири. Қадимдан акварель ўзининг нафислиги ва рангларнинг ёрқинлиги билан кўпгина рассомларни қизиқтириб келган. Акварель лотинча сўз бўлиб «сув билан суюлтириб ишлатиладиган бўёқлар» маъносини англатади. Акварель таркибига бўёқ моддаси ўсимлик ёки маъданларнинг майин қилиб янчилган кукуни ва бириктирувчи модда сифатида олча елими, глицерин ва озроқ асал киради. Булар ҳаммаси сувда осонгина эрийдиган бўлгани учун бўёққа сув қўшиб суюлтириб ишлатилади.

Акварелда оқ ранг ишлатилмайди. Унинг ўрнини оқ қоғознинг ўзи ўтайди. Қоғоз оппоқ, етарли даражада қалин ва юзаси ғадир-будир бўлиши зарур. У агар жуда силлиқ бўлса, сатҳида ранглар етарли даражада ётмайди. Нарса ва буюмлар тасвирларини бўяш жараёнида умумийдан хусусийга ёки аксинча хусусийдан умумийга қараб борилади, ниҳоят иш яхлитлаш билан якунланади.

Гуашь бўёғи акварель бўёғини тамоман акси бўлиб, у каби тиниқ, жарангдор тус бермайди. Ранглари ёруғликни ютганлиги сабабли унинг тагидаги қоғоз кўриниб, сезилиб турмайди. Таркиби эса акварелники сингари-бўёқ кукуни ва уни боғловчи моддалардан иборат. Аммо улар махсус ёғоч елими билан мўътадил нисбатларда аралаштирилган бўлади. Гуашь бўёғининг яна бир муҳим жиҳати унинг оқ бўёқ билан аралаштириб ишлатилишидир. Шунинг учун унинг ранглари унчалик жарангдорлик касб этмайди. Бўёқни ишлатиш учун мўйқаламлар ҳам махсус танланиб олинади ва улар жуда юмшоқ бўлмаслиги, бир оз дағалроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тасвир ишланадиган сатҳ, яъни қоғоз ёки картон ҳам силлиқ бўлмагани яхши. Унинг юзаси иложи борица елимли қоплама (грунт) билан

ишлов берилган бўлиши зарур. Шунда унинг сатҳига гуашь бўёғини яхши суртиш мумкин бўлади. Гуашь кўпинча график ишларни, безакларни, плакатларни ишлашда ва қисман ранг-тасвирларни бажаришда фойдаланиладиган, сув кўшиб ишлатиладиган, тез қурийдиган бўёқдир. У билан тасвирлар бажаришнинг мураккаблиги шундаки, бўёқ суртилган пайтда тўқ, қуригандан кейин эса очлашиб кўринишидир. Шу жиҳатини ҳисобга олиб турилмаса, ранглар орасидаги мувофиқликни ушлаб туриш анча қийин кечади. Бунинг учун одатда ҳар бир суртиладиган асосий ранглар алоҳида-алоҳида махсус идишчаларда тайёрланиб олиниб, сўнг унга бир оз бошқа кўшимчалар аралаштириб тасвир ишланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Рангларни ишлатишда, унинг тўқ-очлиги, ранг тусларининг қандай топилганини доимо текшириб, билиб туриш учун бир бўлак қоғозга тайёрланган аралашмани суртиб аниқлаб, сўнг қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади. Гуашь бўёғида жуда кўп ўтмиш рассомлари ҳам асарлар яратганликлари маълум. Уларнинг ажойиб-ажойиб натюрморт, манзара, театр безаклари, портрет, плакатлари жаҳон тасвирий санъати хазинасидан ўрин олган. Аммо шуниси борки, бу нозик, сақланиши анча қийин бўлган ишларнинг айримлари, айниқса қуюқ қилиб ишланганларининг бўёқлари ўчиб, тўкилиб таъмир талаб бўлиб қолганлиги сир эмас. Гуашь бўёғида тасвирларни бажарганда иложи борида ҳар бир ранг туси учун алоҳида-алоҳида мўйқалам тутган маъқул. Шунда рангларни тиниқ ва тоза, жозибали чиқишига эришилади. Мўйқаламларнинг турли ўлчамлардагиси ва юмалоқ ҳамда япалоқ кўринишдагиларидан фойдаланилади. Айниқса, япалоқ мўйқалам безак ишларида ҳамда тезкор ранглавҳаларни ишлашда жуда қулайдир. Гуашь бўёғида ранглавҳа ва айниқса портретлар ҳамда одам тана қисмларини тасвирлаш, нозик ранг товланишларини бериш қийин ишдир. Бунинг учун анча мунча маҳорат, билим, тажриба керак бўлади. Тасвир ишлашнинг йўл-йўриғи, усулларини пухта эгаллаш эса кўп амалий машғулотларни талаб этадиган жараёндир.

Катта-катта монументаль асарларнинг эскизлари ҳамда композиция лоциҳаларини, байрам муносабати билан тайёрланадиган суратларни ҳам гуашда бажариш қулайдир. У билан кенг қамровли, маҳобатли тасвирлар тез ишланади.

Гуашь бўёғининг кейинги пайтда янги кашф этилган тури ҳам мавжуд бўлиб, унинг номи «флуоресцентли гуашь» деб аталади. Унинг ижобий томони сунъий нур туширилганда ёрқинлик касб этиб, «ял-ял» ёниб кўринишидир. Чунки унинг химиявий асослари ультрабинафша, бинафша, кўк, яшил нурлардан ғайриоддий ёрқин ва табиатдагидан икки-уч марта кучли рангда товланиб кўринади. Шу сабабдан бундай бўёқ тури театр безакчилигида кенг қўлланмоқда. Унинг таъсирчан ярқираб кўриниши учун одатда кварц лампаларни нуридан ҳам фойдаланиш бўлмоқда.

Ўқув-машқ ишларни бажаришда, айниқса натюрмортларни ишлашда гуашь бўёғидан фойдаланиш жуда ҳам қўл келади. Уни мойбўёқ тасвирлар ишлашдан аввал ўрганилса мақсадга мувофиқ келади. Шунингдек, турли композицияларнинг эскизларини ўқув-машқ намуналарини гуашь техникасида бажариш қулайдир. У билан катта-катта сатҳларни яхлит қилиб бўйаш, тез ишлаш мумкин.

МУҲОКАМА

Мойбўёқда тасвирларни ишлаш рассом учун ҳам, энди ўрганаётган талаба учун ҳам жуда қизиқарли машғулотдир. Аммо бу машғулотнинг жиддий қийинчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, у мойбўёқ рангтасвир технологияси билан ҳам боғлиқ. Чунки мойбўёқ билан

ишлаш маълум тайёргарликни талаб этади. Уларга бўёқларни танлаш, иш учун сатҳ (матон)ни тортиб тайёрлаш, уни қоплама (грунт) билан ёпиш, мўйқаламларни танлаш, эритгичларни танлаб олиш каби зарур тадбирларни киритиш мумкин. Мойбўёқ тасвирлар ишлашни ўрганиш натюрмортларни чизиб машқ қилиш орқали ўзлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мойбўёқли натюрморт рангтасвирини ишлаш жараёнининг айрим томонлари акварель техникасига ўхшаш. Чунки бунда ҳам аввал қаламтасвир чизиб олинади. Агар сувбўёқда ишлаш учун тасвир мукамалроқ, майда деталлари чизматасвир умумлаштирилиб энг асосий нарсалар акс эттирилади. Бунинг сабаби мойбўёқда ишлаш жараёнида батафсиллик мўйқаламда ҳам бажарилиши мумкинлигидандир. Мойбўёқда бирор рангни очлаштириш учун унга оқ ранг керакли даражада қўшилади. Шуниси ҳам борки оқ ранг қўшилгач бўёқнинг ёркинлиги маълум даражада камайд. Буни ўқув машқларини бажариш жараёнида албатта ҳисобга олиш лозим. Акварель техникаси каби жиҳатлардан бири иш жараёнини асосий узоқ муддатли вазифани бошлашдан аввал ранглавҳа, чизмалавҳалар ишлаб олинисиدير. Шунда бўлажак рангтасвирнинг асосий хусусиятларини тажриба қилиб кўриб ўрганиш, асосий ишда уни қўллаш мумкин бўлади.

Мойбўёқ тасвирларини ишлаш учун махсус ашёлардан фойдаланилади. Улар ромга тортиб тайёрлаб, қоплама суртиб олинган (грунтланган) мато, мойбўёқларнинг керакли хиллари, бўёқтахта "(политра), мўйқаламларнинг турлича катталикидаги хиллари, «мастихин» ва эритгичлардан иборатдир.

Ромга тортилган мато қандай тайёрланганлиги тасвир сифатини белгилайдиган омиллардан биридир десак хато бўлмайди. Унинг қопламаси (грунти) икки хил «тарзда тайёрланиши мумкин. Бири мойли қоплама бўлиб у қуйидагичадир: 5 фоизли елим (желатин, балиқ ёки дурадгорлик елйми) аралашмаси шунга тенг ҳажмдаги бўрга қўшилади. У билан мато сатҳи қопланади. Бир марта суртилгандан сўнг қоплама бўёқ қатлами тайёрлаб олинади. У қуйидаги таркибда, яъни - махсус оқартирилган (офтобда тобланган) рангтасвир ёри, куруқ оқ бўёқ кукунидан қўшиб тайёрланган аралашма бўлади. ЁР ва кукуннинг нисбати шундай бўлиш керакки у тайёр, махсус идишга солиб чиқариладиган мойбўёқлардан суюқ бўлмасин. Шунда уни бемалол мато сатҳига «мастихин» билан текис қилиб суртиб чиқиш мумкин бўлади. 1-2 ҳафта қуритилгач ғадир-будир ерлари қумқоз билан яхшилаб текисланади ва скипидар аралаштирилган мойли қоплама ясси, катта мўйқалам («флейц») билан текис қилиб бўяб чиқилади. Бундай усулда тайёрланадиган мато 2-3 ой мобайнида қурилади. У сақланадиган жой илик ва куруқ бўлиши шарт.

"Елимли қоплама" деб юритиладиган қопламанинг иккинчи хили қуйидагича тайёрланади. 1 л. Сувда 50-60 гр. желатин эритилади ва унга 15 гр. глицерин қўшилади. У матога 1-2 марта суртилади. Биринчи марта суртилгани қуригач қумқоз билан мато усти текисланиб олинади, сўнг иккинчиси суртилади. Шундан сўнг елим аралашмаси бўр ва оқ бўёқ кукуни билан тенг нисбатларда 40 С даражали иссиқликда эритилади. Агар унинг таркиби қуюқ бўлиб қолгудек бўлса, ўша елим аралашмасидан қўшилади. Бундай қоплама 2-3 марта қаватма-қават қилиб суртилади. Улар оралиғида қуриши учун маълум вақт бўлиши шарт.

Қопламалар яна маълум ранг тусида ҳам тайёрланиши мумкин. Улар кўпроқ ижодий ишларни бажаришда ва композиция яратиш жараёнларида қўл келади. мойбўёқда ўқув-машқларни бажаришда ранг хилларидан ҳам унқмли фойдаланиш талаб этилади.

Вазифаларни ишдаганда жуда кўп ранг хилларидан билиб-билмай ишлатиш яхши самара бермайди.

Табиатда еттита асосий ранг (бўёқ) борлиги маълум. Улар қизил, сариқ, яшил, ҳаво ранг, кўк, бинафша ранглاردир. Бўёқ аралаштириладиган тахтада (политрада) бўлиши жуда "зарур ранг хиллари эса қизил, сариқ, кўк бўёқдир. Чунки уларни бошқа қолган асосий ранг-туслар воситасида ҳосил қилиб бўлмайди. Буларнинг аралашмасидан жуда кўп, деярли барча ранглари чиқариш, ҳосил қилиш мумкин. Улардан ҳатто қора ранг тусини ҳам топиш мумкинлиги сир эмас. Фақат қайси рангни бир-бирига қанча миқдорда аралаштиришни билиш кифоя. Бунинг учун эса албатта тажриба ва уқув бўлиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки табиатда абсолют оқ ва абсолют қора ранглари мавжуд эмас. Уларнинг барчаси қандайдир бир ранг товланишида бўлади. Масалан, қоранинг жигаррангга, кўкка, яшилга мойил эканлигини кўришимиз мумкин. Оқ рангнинг турли нозик тусларга мойиллиги ҳам табиий. Бундай ранг ва тусларнинг ҳамда уларнинг тўқ-очликларини топиб тасвирлаш учун мойбўёқда ишлаш техникаси жуда қулайдир. Шу имкониятларнинг кенглиги билан у бошқа бўёқ турларидан ажралиб туради.

Мойбўёқ техникасида рангтасвирлар бажарганда мўйқаламларнинг қандай турлари ва ўлчамлардагиларини ишлатиш ҳам муҳимдир. Уларни танлай билиш кўп фойда келтиради. Маълумки натюрмортларни, катта ишларни бажаришда япалоқ ва дагал мўйқаламларни қўллаш иш сифатини, таъсирчанлигини таъминлайди.

Мойбўёқларга суюлтирувчи, эритувчи воситалар қўшиб ишлатилади. Улар мойли ва мойи камайтирилган бўлиши мумкин. Мойли бўёқни секин қуриши учун яхши восита бўлиб, у билар фойдаланилган пайтда рангтасвир секин қурийдир. Шу сабабли узок муддатда бажариладиган тасвирларни ишлашда қулайлик яратади. Бундай эритгичларга баъзан лак ҳам аралаштириб ишлатилиши мумкин, шундай қилинганда ишнинг бўёқ қатлами тезроқ қурийдир ва бўёқнинг мойи матога шимилиб кетишининг олди олинади.

ХУЛОСА

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мойбўёқ техникасида ранг қориладиган махсус тахтача (политра)нинг юзасида бўёқларни қандай жойлаштириш масаласи ҳам муҳим. Унда бўёқлар иссиқ-совуқ рангларга ажратиб, шу билан бирга тўқ-очлигига қараб ажратиб жойлаштирилиши мумкин. Оқ бўёқ одатда ўртада ёки ранглар қаторининг бошланишида бўлади. Агар ҳар сафар бир хил жойлаштирилса, рассом шунга ўрганади ва керакли бўёқни дарров топиб ишлатиш имкониятига эга бўлади.

Мойбўёқда тасвирлар ишлашнинг жуда кўп ўрганилиши керак бўлган томонлари бор. Уларнинг барчаси кўп машқ қилиш орқали ўрганиб олиш имконини беради. Тажриба назарий ва амалий томондан мунтазам машқ қилиш натижасида ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: 2008.
2. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.-62 б.
3. Ҳасанов Р.Х. Эгамов. Тасвирий санъат дарсликлари 1,2,3,4 синфлар.
4. Ҳасанов Р.Х. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Т. 1981.
5. Ахмедова, Н. Э. (2022). МЎЪЖАЗ САНЪАТНИНГ БЕТАКРОР НАФОСАТ ОЛАМИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 125-130.

6. Sulaymanova, S. B. Q. (2022). BADIY OLIY TA'LIM MUASSASALARDA TASVIRIY SAN'AT FANINI O'QITISHGA BO'LGAN EHTIYOJNING OSHISHI VA UNING BUGUNGI HOLATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 89-96.
7. Сулайманова, С. Б. К. (2022). BADIY TA'LIMDA TALABALARNI O'QITISHDA SAMARALI DIDAKTIK PRINSIPLARDAN FOYDALANISH USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 143-150.
8. Mirzahamdamovna, K. B., Erkinovna, A. N., & Jumadillaevich, S. R. (2021). Use of Innovative Educational Technologies in Fine ARTS Classes of Higher Education Institutions. *European Journal of Humanities and Educational Advancements*, 2(4), 25-27.
9. Sadikovna, S. G., Kurbonova, B., Akhmedova, N., & Sulaymanova, S. (2020). FUNDAMENTALS OF PROFESSIONALISM DEVELOPMENT ON THE EXAMPLE OF PRACTICAL EXERCISES ON FORMING THE SKILLS AND SKILLS OF FUTURE TEACHERS. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8894-8903.
10. Nazokat, A., Ibrokhim, Y., & Makhpuzakhon, A. (2021). FACTORS OF DEVELOPMENT OF FINE ARTS.
11. Nazokat, A. (2021). Means of Ensuring the Integrity of the Image and Writing in the Performance of Visual Advertising.
12. Ахмедова, Н. Э. (2022). БУГУНГИ ЁШ АВЛОДНИ АХЛОҚИЙ, КОГНИТИВ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КИТОБОТ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 204-208.
13. Ахмедова, Н. Э. (2022). МЎЪЖАЗ САНЪАТИНИНГ БЕТАКРОР НАФОСАТ ОЛАМИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 125-130.
14. Ахмедова, Н. Э. (2022). МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРИЙ БЕЗАК ТУРЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАТИЖАСИДА ЁШЛАРНИ АҚЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШ САЛОХИЁТИГА ТАЪСИР ҚИЛИШ ОМИЛИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 41-45.
15. Achildiyeva, M., Axmedova, N., Ikromova, F., Haydarova, O., Ibrahimova, G., & Abdurahmonov, A. (2021). TANBUR: ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(6), 302-308.
16. Сулайманова, С. Б. К. (2022). BADIY TA'LIMDA TALABALARNI O'QITISHDA SAMARALI DIDAKTIK PRINSIPLARDAN FOYDALANISH USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 143-150.
17. Yuldashev, I. (2022). QADIMG'IAN'ANALAR DAVOMIYLIGI USUL VA USLUBLARINI TURLI YO'NALISHLARDA TASVIRLASHDA KITOBAT HAMDA MINIATYURA SAN'ATINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 209-216.
18. Sulaymanova, S. B. Q. (2022). BADIY OLIY TA'LIM MUASSASALARDA TASVIRIY SAN'AT FANINI O'QITISHGA BO'LGAN EHTIYOJNING OSHISHI VA UNING BUGUNGI HOLATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 89-96.

19. Yuldashev, I. (2022). URF-ODAT VA MAROSIMLAR MILLIY LIBOSLARNI SHAKLLANTIRUVCHI ASOSIY VOSITA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 78-83.
20. Yuldashev, I. (2022). BORLIQNI IDROK ETISH VA TASVIRLASHGA DOIR DASTLABKI MA'LUMOTLAR HAMDA ULARNI XARAKTERLI JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 9-15.
21. Бобоева, З. (2022). ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАСВИРИЙ САЊАТНИНГ ЎРНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 51-55.
22. A'Zamjonov, A. A. Z. (2022). UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA TASVIRIY SAN'AT FANINI O'QITISHGA INNOVATSION YONDASHUV YO'LLARI MAVZUSI BO'YICHA AMALIY ISHLANMA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 56-60.
23. Yunusaliyev, M. T. (2022). DEKORATIV KOMPOZITSIYALARDA KONTRAST VA NYUANS'LARNING AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 5-8.
24. Sohibov, R. (2022). KOMPOZITSIYANING NAZARIY ASOSLARI. KOMPOZITSIYA HAQIDA UMUMIY TUSHUNCHALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 256-259.
25. Boboyeva, Z. A., & Mo'Minova, D. B. Q. (2022). TALABALARNING KREATIVLIK QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 221-233.
26. Qurbonova, B. M. (2022). BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINI O'QUVCHILARIDA BADIY TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISHGA AMALIY SAN'ATNING O'RN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 65-70.
27. Qurbonova, B. M. (2022). ME'MORIY OBIDALARNING BADIY, ESTETIK QIYMATIDAN SAMARALI FOYDALANISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 106-109.
28. Qurbonova, B. M. (2022). DUNYO MADANIY TARAQQIYOTIDA SHARQ KITOBATCHILIK SAN'ATINING O'ZIGA XOS HAMDA BEQIYOS O'RN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 239-242.
29. Sohibov, R. (2022). RANGLARNING ASOSIY XUSUSIYATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 234-238.
30. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
31. Ахмедбекова, М. К., & Дадажонов, М. Ё. (2022). МУТАХАССИСНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 183-194.
32. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdamovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. *Solid State Technology*, 64(2), 4250-4254.